НКМК — юксак сифат, самарадорлик ва ижтимоий ҳимоя кафолати

№4 (694)

2021 йил
26 февраль

Кончилар ҳаёти

Газета 1991 йилдан чиқа бошлаган

facebook.com/ngmkofficial • t.me/ngmkofficial • instagram.com/ngmk.official • www.pressangmk.uz

■ Ислоҳот ва самара

Инновациясиз тараққиётга эришиб бўлмайди. Бугун саноатнинг равнақи ва қудрати илғор технологияга эга бўлиш билангина эмас, балки бу борада муттасил такомиллашувларни жорий этиш ва кадрлар салоҳиятига ҳам боғлиқ. Навоий кон-металлургия комбинатининг иккинчи гидрометаллургия заводидаги янгиланишлар бунинг яққол далилидир.

КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса бўлиб қўшилади

Марказий кон бошқармаси олтин ишлаб чиқариш йўналишида комбинатнинг етакчи бўлинмаси ҳисобланади. Бошқарма ўз тизимида руда қазиб олишдан тортиб, уни ташиш, қайта ишлаш ва олтин ажратиб олишгача бўлган жараёнларни ўзида жамлаган йирик саноат мажмуасидир. Ишлаб чиқариш занжири бир-бирига шу даражада боғланганки, бу занжирнинг бирор-бир ҳалқасидаги графикдан оғиш бошқаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бошқачароқ айтсак, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ҳам, пасайиши ҳам – қувонч ҳам, ташвиш ҳам баҳам кўрилади. Табиийки, бу тахлит боғлиқлик ҳар бир янгиланишда ҳамқадамликни талаб этади.

– Мисол учун, “Мурунтов” конида қуввати бўйича жаҳонда ягона, унумдорлиги соатига уч минг тонна, қиялик бурчаги 37 градус, кўтариш баландлиги 270 метрни ташкил этадиган тик-қия конвейерининг самарали ишлаётганлиги муваффақиятларимиз омили бўлаяпти, – дейди Марказий кон бошқармаси “Мурунтов” кони бошлиғи Отабек Равшанов. – Мазкур мажмуа коннинг жануби-шарқий ва шарқий бортларидаги захираларини очиш бўйича кон ишларини янада жадаллаштиришга хизмат қилиш билан бирга, амалдаги контехникавий вазият ва кончилик ишларининг оптимал вариантини аниқлаш, кон бешинчи навбати лойиҳасининг иқтисодий жиҳатдан самарадор чуқурлигини 950 метргача етказиш имконини беради.

Иккинчи гидрометаллургия заводи жаҳон кон-металлургия амалиётида илк бор олтинни сорбцияси тиндирилган эритмалардан эмас, балки пульпанинг суюқ фазасидан ажратиб олиш технологиясини жорий этганлиги билан кон-металлургия саноатида алоҳида эътироф этилади. Бундан ташқари олтин электролизининг ишлов берилган электролитларидан 999.9 софликдаги олтин олиш технологияси ҳам айнан шу заводда ўзлаштирилган.

Корхонанинг рудаларни қайта ишлаш қуввати мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида 20 миллион тонна атрофида эди. Олиб борилган реконструкция ва модернизация тадбирлари туфайли бу кўрсаткич қарийб икки бараварга оширилди. Бундай натижага мавжуд тегирмон ва блоклар қувватларини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ҳисобидан эришилди.

– Модернизациялаш ишлари, ишлаб чиқариш қувватларининг босқичма-босқич ошириб борилиши, қудратли техника ва технологиялар билан жиҳозланиши, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилиши натижасида ўзида 30 дан ортиқ ишлаб чиқариш тармоқларини бирлаштирган бошқармамиз улкан ишлаб чиқариш тармоғига айланди, – дейди кон бошқармаси директори Отабек Мустақимов. – Бугун “Мурунтов” конининг бешинчи босқичининг ишга туширилиши туфайли минг метргача чуқурликдаги рудани қазиб олиш ва йилига 50 миллион тонна рудани қайта ишлаш имконига эга бўламиз.

Қўшимча қилиш жоиз, Навоий кон-металлургия комбинатини ривожлантиришнинг 2026 йилгача бўлган даврга мўлжалланган дастурини муваффақиятли рўёбга чиқариш доирасида ўтган йили 2-гидрометаллургия заводи қувватларини кенгайтириш бўйича янги лойиҳалар амалга оширилди.

Комбинатда “Техник аудит натижаларига кўра технологик, қувват ва ёрдамчи ускуналарни алмаштириш” тизими йўлга қўйилган. Мақсад йирик саноат корхонасининг қимматбаҳо металларни ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш, маънавий ва техник жиҳатдан эскирган ускуналарни ўз вақтида янгилашдан иборатдир. Техник аудит натижалари ва техник ечимлар асосида технологик, энергетик ва ёрдамчи ускуналарни босқичма-босқич алмаштириш бўйича тармоқ жадвалига биноан 2020-2021 йилларда 2-гидрометаллургия заводи учун “МШЦ 55х65” маркали шарли тегирмон сотиб олиш режалаштирилган эди.

НКМК маъмурияти валютани тежаш ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш мақсадида ушбу тегирмонни Навоий машинасозлик заводида ишлаб чиқаришга қарор қилди. Завод бош муҳандиси бошчилигида дастгоҳсозлик конструкциясининг ихтисослаштирилган конструкторлик бюроси дизайнерлари, бош технолог, бош металлург, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва инновацион технологиялар бўлимлари технологларидан иборат гуруҳ шакллантирилиб, улар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланди.

Давоми 3-бетда

■ Хабар

ШОНЛИ САНАГА ТАЙЁРГАРЛИК

Навоий кон-металлургия комбинати 5-кон бошқармасининг аҳил ва ишчан жамоаси корхона ташкил топганлигининг 50 йиллигини муносиб нишонлаш тараддудида қизғин ишлар олиб бормоқда.

Ташкилий қўмитанинг биринчи мажлисида ишчи-ходимларга янада қулайликлар яратиш мақсадида таъмирланадиган ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни аниқлаш ва уларда таъмирлаш ишларини сифатли тарзда, белгиланган жадвал асосида олиб борилишини назоратга олиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Миллатимизга хос бўлган улуғ қадриятлардан бири тўй-ҳашамлар, байрамлардан олдин ҳамма жойни тартибга келтиришдир. Қиш мавсуми бўлишига қарамай, кон бошқарма бўлинмаларининг 15 та ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Биринчи бошқарма биносининг ташқи фасади ҳамда бинога кириш фойеси ҳамда 5-Тиббиёт-санитария қисмининг марказий-стерилизация бўлимида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Зафаробод қўрғони ва бўлинмалар ҳудудларида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари доирасида гулзорлар ташкил этиш, дарахт ниҳолларини ўтқазиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Уй-жой коммунал хўжалиги ишчилари ва бўлинмалар меҳнаткашларининг саъй-ҳаракатлари билан янги яшил майдонлар барпо этилмоқда. Қўрғонга кириш ҳудудидаги “Ёшлар боғи”да 2 минг тупга яқин манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Кон бошқармасининг аҳил ва ишчан жамоаси корхона ташкил топганлигининг ярим асрлик санасига тайёргарлик ишларини ишлаб чиқаришда юксак марраларни таъминлаган ҳолда давом эттирмоқда. Жорий йил январь ойи якунлари ҳам шундан далолат бераяпти. Геотехнологик конлар жамоаларининг фидокорона меҳнати билан ишлаб чиқариш бўйича барча режалар ортиғи билан адо этилди. Жумладан, бурғилаш ишлари – 112,4; тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш – 100,3; қазиб олиб ишлари – 102 фоизга бажарилди.

Булардан кўзланган мақсад иш жойларида қулайликлар яратиш билан меҳнат жамоасининг ҳар бир ишчи-ходими кайфиятини кўтариш, уларнинг қалбларига байрам шукуҳини олиб киришдир.

Нафиса САГАТБАЕВА.

■ Бугуннинг мавзуси

РЕКТОР ВА ЁШЛАР

Навоий давлат кончилик институтида “Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қурамиз!” шиори остида Ректор ва ёшлар учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда институт ректори, профессор Қ.Санақулов маъруза қилди.

2021 – “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш йили” доирасида ташкил этилган учрашувда кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

Сўнгги йилларда институтда ёшларнинг физика, математика, кимё фанларидан билимларини мустаҳкамлашга қаратилган қайта тайёрлов курслари ташкил этилиб, ҳар йили янги қабул қилинган биринчи курс талабалари орасидан билим даражасини янада ошириш истагида бўлган талаба ёшлар жалб этилиб келинмоқда. Шунингдек, институтда талабаларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш мақсадида 70 дан ортиқ тўгараклар фаолияти йўлга қуйилган. Олийгоҳ спорт комплексида талабаларнинг спорт билан шуғилланишлари учун барча шароитлар яратиб берилган.

Ўтган 2020 йил оғир йил бўлди. Коронавирус пандемияси сабабли ўқув жараёнлари онлайн тарзда ташкил этилди. Аммо шунга қарамасдан икки нафар талаба – Нодира Саидова, Дилноза Тўйчиевалар Беруний стипендианти, талаба Озодбек Шукуров эса Ислом Каримов номидаги стипендия совриндори бўлишди.

Жорий йилда институтнинг 5 нафар талабаси республика онлайн фан олимпиадасида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашди. Бундан ташқари, 14 нафар талаба турли халқаро танлов ва анжуманларда муваффақиятли иштирок этишди. Талабалар институт ректорига ўзларининг фикр-мулоҳазалари, ютуқлари ва келажакдаги режалари ҳақида гапирдилар. Тажрибали мураббий-устозлар ҳам ўзларининг талабалик йилларини хотирлашди, ўтмиш ва бугунни солиштириб, ёшлик йилларидаги воқеалардан сўзлаб бердилар.

Очиқ-ошкора мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшлар турли муаммо ва масалалар юзасидан фикрларини билдирдилар.

НДКИ Ахборот хизмати.

■ Мамлакатимизда

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва туризмни ривожлантириш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, маданий меросни сақлаб, туризмни ривожлантиришни умуммиллий ҳаракатга айлантириш асосий вазифа сифатида белгиланган.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ УЧУН 50 МИЛЛИАРД СЎМ МАБЛАҒ АЖРАТИЛАДИ

Президентимиз томонидан жорий йилнинг 9 февраль куни имзоланган “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эса шубҳасиз ушбу соҳадаги фаолиятимизни янги босқичга олиб чиқади.

Мазкур фармон билан республикада туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, мақбул, қулай ички ва халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш вазифаси белгиланди. Шунингдек, транспорт йўналишларини кенгайтириш, хизматлар сифатини ошириш, туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим ишлар бажарилиши керак.

Эътиборлиси, юртимизда ота-оналар, қариндошлар, қариялар ва устозлар билан биргаликда саёҳат қилишни назарда тутувчи беш иш кунидан кам бўлмаган “оилавий саёҳат таътили” тизими жорий қилинаётганидир. Бунда, “оилавий саёҳат таътили” йиллик асосий таътил ҳисобидан тақдим этилади ва жамоавий шартномаларга мувофиқ иш берувчининг розилиги билан амалга оширилади.

Шунингдек, бундан буён республиканинг туризм намойиши объектларини кенг тарғиб қилиш, фуқароларни бой табиий, маданий ва тарихий мерос объектлари билан таништириш ва ички туризмни оммалаштиришга қаратилган (тижорат мақсадларни кўзламаган) ахборот маънавият ва маърифат масалаларига доир ахборотга тенглаштирилади.

Айни пайтда Навоий вилоятига 50 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган. Бу вилоятнинг туризм объектлари муҳандислик-коммуникация тармоқлари, коммунал ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш, туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, модернизация қилиш ишларини олиб боришга йўналтирилади. Бунда Нурота тумани Сентоб қишлоғи, Айдар-Арнасой кўллар тизимнинг вилоят ҳудудидаги қисми, Қизилтепа туманидаги Тўдакўл сув ҳавзаси, Хатирчи туманидаги Сангижумон қишлоғи, Навбаҳор туманидаги Сармишсой дараси, Кармана туманидаги маданий мерос объектларига алоҳида урғу берилади.

Бундан ташқари мазкур фармон билан Республика бюджетидан ажратиладиган 258,2 миллион сўм маблағ ҳисобидан Нурота туманидаги “Айтеке би” зиёратгоҳини Қозоғистон Республикасида тарғиб қилиш белгиланди. Бу борада йил бошидан ишлар бошлаб юборилди. 2021 йил 23-24 январь кунлари қозоғистонлик ҳамкорлар билан “Айтеке би” зиёратгоҳига сайёҳларни жалб этиш ва келгусида ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида меморандум имзоланиб, ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикасидаги йирик моддий маданий мерос объектларида ички туризм оқимларини шакллантириш режасига мувофиқ Нурота туманидаги “Чашма” мажмуаси ҳақидаги босма ва электрон тарғибот материалларини ишлаб чиқиш ва кенг тарғиб қилиш, зиёрат одоби ва тартиби ҳақида буклетларни чоп этиш ва зиёратчиларга бепул тарқатиш мақсадида 2021 йилда тарғибот ишларини олиб бориш учун 50 миллион сўм маблағ ажратилди.

Шунингдек, Нурота туманида истиқомат қилаётган аҳоли учун “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида зиёратгоҳ атрофида ҳалол туризм талабларига жавоб берадиган оилавий меҳмон уйларини ташкил қилиш мақсад қилинган. Бунда асосан Нурота туманидаги Сентоб, Дара қишлоқларига “Туризм қишлоғи”, Саидота маҳалласига “Туризм маҳалласи” мақомини бериш орқали янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига 33 миллион сўмдан банк кредитлари ажратиш орқали, оилавий меҳмон уйлар инфратузилмасини яхшилаш режалаштирилган. Ҳозирда мазкур маҳаллаларда тарғибот учрашувлари ташкил этилмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу фармоннинг ҳаётга кенг татбиқ этилиши натижасида юртимизда туризм бозори янада ривожланади, давлат ва маҳаллий бюджетларга тушум кўпаяди. Жаҳонда Ўзбекистонимизнинг жозибадорлигини оширувчи миллий бренд яратилиб, Ватанимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар оқими янада кучаяди. Пировардида, халқимиз фаровонлиги ошиб, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти мустаҳкамланади.

916 КИЛОМЕТР “САЛОМАТЛИК ЙЎЛАКЛАРИ” БАРПО ЭТИЛАДИ

Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига кўра, 2021 йилда қуйидаги долзарб вазифалар амалга оширилади:

Аввало, давлат таълим муассасаларидаги спорт тўгараклари моддий-техника базасини янада яхшилаш мақсадида жорий йилда 10 мингта мактабнинг ҳар бири 5 миллион сўмлик, 6 мингта боғча эса 3 миллион сўмлик, жами 62 миллиард сўмлик 9 турдаги бирламчи спорт жиҳозлари билан таъминланади. Бундан ташқари, спорт мактаблари 62 миллиард сўмлик 101 турдаги спорт анжомлари билан жиҳозланиши режалаштирилган. Шу билан бирга, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ҳудудларда янгидан 25 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларида кураш маҳорати мактаблари ташкил этилади. Мазкур спорт муассасаларида 300 дан ортиқ спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 30 мингдан зиёд ёшларни қамраб олиш бўйича қатор вазифалар амалга оширилади.

Шунингдек, янги ўқув йилидан бошлаб 1 000 та умумтаълим мактабида 18 соатлик режа асосида шахматга ўқитиш жорий этилади ва спортнинг ушбу турига қўшимча равишда 25минг нафар ўқувчи жалб қилинади. Ёшларни, айниқса, уюшмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларга бу борада зарур шароитлар яратиш мақсадида республикамиздаги 4 мингдан ортиқ умумтаълим мактабларида спорт турлари бўйича 19678та тўгарак ташкил этилади ва уларда 520 минг нафар ўқувчи шуғулланиши режалаштирилмоқда. 52 та олий таълим муассасасида эса 161 та спорт тўгараги ташкил этилиб, 21559 нафар талаба бўш вақтини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш орқали мазмунли ўтказади.

Жорий йилда аҳоли, айниқса, ёшларнинг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи “Жисмоний тайёргарлик даражаси” синовлари жорий этилади. Мазкур синовларнинг махсус талабларини бажарган ва ғолиб бўлганларни тақдирлаш бўйича уларга ёш тоифасига қараб, тегишли спорт разрядлари ва унвонлари, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат учун тўловларга 50 фоиз чегирма, муддатли ҳарбий хизматга юборилишида юқори устунликка эга бўлиш, “Темурбеклар мактаби”га имтиёзли кириш, олий таълим муассасалари талабаларини амалдаги стипендия миқдорида бир марта рағбатлантириш, республика миқёсида ишга ёки ўқишга қабул қилинишида жисмоний тайёргарлик талаб этиладиган барча ижодий имтиҳонлардан озод бўлиш каби имтиёзлар берилади.

Болалар ва ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб қилиш, улар ўзлари истаган спорт турлари билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида жорий йилда 55 та спорт объекти фойдаланишга топширилиб, спорт иншоотларининг бир кунлик қуввати қўшимча 30 мингга оширилади.

Шу билан бирга, аҳолини кунлик юриш ва югуриш, велосипедда юришга тарғиб қилиш мақсадида 2021 йил давомида республика бўйича жами узунлиги 916 км бўлган “Саломатлик йўлаклари” барпо этилади. Ушбу йўлакларни қуриш учун ҳар бир ҳудудий ҳокимликларнинг ҳудудий дастурлари тасдиқланди. “Саломатлик йўлаклари”ни барпо этиш билан бирга, 2021 йилнинг апрель ойига қадар Соғлом турмуш тарзи “www.1hls.uz” Интернет-платформаси яратилади ҳамда тўлиқ ишга туширилади, натижада аҳолини кунлик юришга тарғиб қилиш ҳамда антропометрик кўрсаткичларини яхшилаш тизими яратилади. Бундан ташқари, йил давомида 400 та стритбол, 520 та бадминтон ва 893 та “Воркаут”,жами 1813 та замонавий спорт майдончаси ташкил этилади.

Мазкур вазифалар бажарилиши натижасида 2021 йил якунига қадар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи аҳолининг умумий сони ҳозирги 19 фоиз дан 25 фоизга кўтарилади.

ЎзА.

■ Хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди.

2021 ЙИЛ ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Мазкур фармон билан тасдиқланган Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Навоий кон-металлургия комбинатида 47 та банддан иборат чора-тадбирлар режаси ва “Йўл харитаси” қабул қилинди. Давлат дастурига мувофиқ, комбинатга қатор муҳим вазифалар юклатилди. Жумладан, иқтисодиёт таркибини янада диверсификация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш, биринчи навбатда, маҳаллий минерал хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича илғор технологияларни жорий этиш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш таннархини ва энергия сарфини камайтириш йўналишида жорий йилнинг март ойидан бошлаб заргарлик соҳасида кенг имкониятлар яратиш учун НКМК томонидан кумушни биржа орқали заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга эркин сотиш тартиби жорий этилади. Бунинг учун комбинатда мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда биржага қўйиладиган кумуш ҳажмларини маҳсулот бошланғич нархини асосли шакллантириш, заргарлик соҳасидаги ишлаб чиқарувчилар кумуш маҳсулотини сотиб олиши учун кенг имкониятлар яратишни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, Давлат дастуридаги давлат бошқарувининг замонавий усулларини, давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллаш кўламини кенгайтириш, бўш турган ер майдонлари, бино ва иншоотлардан самарали фойдаланишни жадаллаштириш йўналишида жорий йилда комбинат томонидан халқаро молия бозорига чиқиш ва давлат кафолатисиз маблағ жалб қилиш бўйича ишлар амалга оширилади. Бунинг учун халқаро капитал бозорида корпоратив облигациялар (“евробонд”) жойлаштирилади.

Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган чора-тадбирлар режасига асосан, 2021 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига кўра комбинатда амалдаги корхоналарни модернизациялаш, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳисобига 3,4 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Жорий йилда комбинатда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида импортни қисқартириш ва маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида 154 лойиҳа бўйича (71 та янги лойиҳа) 432,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Давлат дастури доирасидаги чора-тадбирларни тўла амалга ошириш учун комбинатда 172,8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланади.

Давлат дастури доирасида Навоий кон-металлургия комбинатида амалга оширилаётган ташкилий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий тадбирлар ҳақида ахборотларни доимий равишда ёритиб борамиз.

НКМК Мабуот маркази.

ТИЛ – МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Навоий шаҳридаги “Фарҳод” маданият саройида “Тил – миллат бойлиги” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. “Тарихимсан, тақдиримсан, келажагимсан, она тилим!” шиори остида ўтказилган давра суҳбатига Навоий давлат педагогика институтининг тилшунос олимлари, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази Навоий вилояти ҳудудий бўлинмаси ўқитувчилари, “Кончилар ҳаёти” газетаси таҳририяти ходимлари, комбинат бўлинмалари вакилари таклиф этилиб, комбинатда ўзбек тилини ривожлантириш ва давлат тилида иш юритиш ҳолати ва келгусида амалга ошириладиган ишлар юзасидан фикр-мулоҳаза юритилди.

Тадбирда мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Ўзбек тилининг халқаро минбарларда янграётганлиги фахр билан таъкидланди. Дарвоқе, бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш ортмоқда. Бундай хайрли ишларнинг шарофатидан “Ўзбек тили байрами куни”ни кенг нишонлаш анъана тусига кириб бораётганлиги қувонарли ҳолдир. Халқимизнинг кўп асрлик нодир бебаҳо бойлиги бўлган она тилимиз дунёдаги қадимий тиллардан бири экани алоҳида ғурур ва ифтихор билан қайд этилди.

Бугунги кунда комбинат ва унинг бўлинмаларида давлат тилида иш юритиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан тақдим этилган “Давлат тилида иш юритиш” номли қўлланма комбинатда давлат тилида иш юритувчиларга амалий фаолиятида жуда катта ёрдам бермоқда. Ходимларнинг давлат тилида иш юритиш бўйича малакаларини ошириш мақсадида улар Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асослари ва малака ошириш маркази томонидан Навоий давлат педагогика институтида ташкил этилган марказ ўқув курсларида ўқитилмоқда. Жорий йилда комбинат бўйича 350 нафардан ортиқ ходимлар малака ошириш курсларида лотин алифбосига асосланган ўзбек тилининг имло қоидалари, давлат тилида иш юритиш бўйича назарий, амалий кўникмаларини оширишлари режалаштирилган. Тадбирда мазкур ўқув курсини муваффақиятли тугаллаган навбатдаги 20 нафар ходимга сертификатлар топширилди ва китоблар совға қилинди.

Ҳолмамат РАУПОВ.

КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Давоми. Боши 1-бетда

Мутахассислар тегирмонни ўзлаштириш жараёнида рудаларни майдалаш қувватларининг эксплуатацияси, уларга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ жараёнларни жойида ўрганган ҳолда 2-ГМЗ муҳандис-технологлари билан ҳамкорликда конструкция лойиҳаси ва технологияси учун зарур ҳужжатларни тўпладилар. Шу асосда шарсимон тегирмонни яратиш, йиғиш билан бирга унинг ҳар бир алоҳида қисмларини мослаштириш, электр таъминоти ҳамда юклаш ва бўшатиш билан боғлиқ мураккаб вазифаларнинг лойиҳалари тайёрланиб, ўзлаштирилди. Бунда тегирмоннинг катта ўлчамлари ва оғирлиги ҳисобга олиниб, уни ишлаб чиқариш майдончасига етказиш ва ўрнатиш жараёнлари ҳам назардан четда қолмади.

– Қозон-пайвандлаш цехи имкониятларидан фойдаланган ҳолда умумий оғирлиги 56 тоннадан ортиқ бўлган тегирмоннинг барабани жўваланди, – дейди Навоий машинасозлик заводи бош муҳандиси Каримжон Абдуллаев. – Ўрнатишга кетадиган вақтни қисқартириш мақсадида ҳар бирининг оғирлиги 48 тоннадан бўлган юклаш ва бўшатиш ташқи деворлари қопламини гупчак ва ўқнинг подшипникда айланувчи қисми билан бирга йиғишга қарор қилинди. Бу шунга мос чангакка эга махсус мосламани талаб этарди ва у Навоий машинасозлик заводи мутахассислари томонидан тайёрланиб, икки кран ёрдамида ўрнатилди.

Табиийки, бундай йирик лойиҳанинг ўзлаштирилишида Навоий машинасозлик заводи қуюв цехи металлурглари ҳам ўз билим, тажриба ва салоҳиятларини ишга солдилар. Тегирмоннинг бутловчи қисмларини қуйишда пўлатни узлуксиз қуйиш технологиясидан фойдаланилган ҳолда рекорд кўрсаткич – эритилган металл оғирлигининг 28 тоннадан ошишига эришилди. Шу тахлит шарли тегирмонни тайёрлашда қуйманинг умумий оғирлиги 350 тоннадан ошди.

Ўтган йили октябрь ойида тегирмон блокларини 2-гидрометаллургия заводига жўнатиш бошланиб, қурилиш, ўрнатиш, монтаж ва ишлаб чиқаришга тайёрлаш ишлари белгиланган график асосида амалга оширилди. 26 декабрь куни “МШЦ 55х65” маркали шарли тегирмоннинг ишга туширилиши Ўзбекистон кончилиги тарихидаги йирик воқеалардан бири сифатида қайд этилди. Республикада биринчи марта оғирлиги 580 тоннадан ортиқ бўлган бундай мураккаб технологияли ускуна ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилди.

– Ушбу тегирмоннинг ўрнатилиши заводимиз қувватини ошириш, йилига қўшимча равишда 1,4 миллион тонна рудани қайта ишлаш имконини беради, – дейди 2-ГМЗ бош муҳандиси Ҳамид Кенжаев. – Энг муҳими, икки миллион АҚШ долларидан ортиқ валюта маблағларини тежашга эришилди. Албатта, бу ютуқнинг бош омили комбинат тизимидаги барча бўғинлар – металлурглар, конструктор ва лойиҳачилар, муҳандис ва қурувчилар, лаборант ва дизайнерлар фаолиятининг ягона мақсадга йўналтирилганлигидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай табиий ва моддий бойликларнинг чек-чегараси бор. Бироқ интеллектуал бойлик битмас туганмас.

Темур ЭШБОЕВ,
Азамат ЗАРИПОВ.

■ Инвестиция

ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР ОЧИЛМОҚДА

Фарҳод БАҲРОНОВ,
НКМК бош директори ўринбосари.

Навоий кон-металлургия комбинатини ривожлантириш стратегияси олтин ва уран маъданларини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этиш билан бир қаторда амалдаги кон ва гидрометаллургия мажмуаларини кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш билан боғлиқ йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга асосланган. Айнан шу йўналишдаги ишлар ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлашга имкон беради.

Комбинатнинг инвестиция дастурида гидрометаллургия заводларини қуриш, қимматбаҳо металларнинг янги конларини очиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, шунингдек, инновацион ва илм-фан ва техника ютуқларининг илғор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда жисмонан эскирган технологик ускуналарни алмаштиришга йўналтирилган устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш натижаси қимматбаҳо металларни ишлаб чиқаришни оширишни таъминлайдиган ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топширишдир. Сўнгги 10 йилда фойдаланишга топширилган объектларнинг умумий сони 65 тани ташкил этади.

Сўнгги 5 йил давомида комбинатнинг инвестиция фаолияти учун маблағларнинг сарфланиши таҳлили шуни кўрсатадики, 2015-2017 йилларда инвестиция маблағларнинг 59 фоиздан 68 фоизигача бўлган қисми корхонанинг мавжуд қувватларини модернизациялаш ва реконструкция қилишга йўналтирилган. 2026 йилгача қимматбаҳо металларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича Дастурнинг амалга оширилиши боис, 2018 йилдан бошлаб комбинат инвестиция сиёсатини молиялаштириш йўналишларида инвестиция маблағларнинг нисбати сезиларли ўзгарди. Инвестиция маблағларнинг умумий миқдорида янги қурилиш учун ажратилган маблағларнинг улуши устунлик қилди. Бу шуни англатадики, комбинат қимматбаҳо металларнинг янги конларини ўзлаштириш, қазиб олиш ва ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни барпо этишни фаол равишда бошлади.

Марказий кон бошқармасида “Мурунтов” конини ўзлаштиришнинг V-навбати” комбинатнинг муҳим инвестиция лойиҳаларидан биридир. Ҳозирги вақтда коннинг шимолий бортида (ён тарафида) захираларни очиш ва ишлов бериш бўйича кон ишлари олиб борилмоқда. 2021 йилда Бесапантов, Чуқурқудуқ, Балпантов ва Томдибулоқ конларининг захиралари билан ишлаш, маъдан қазиб чиқариш ҳажмини ошириш ва 2-гидрометаллургия заводига йилига 50 млн тоннагача маъдан етказиш режалаштирилган. Бугунги кунда “Мурунтов” конининг узунлиги 4,3 километр, кенглиги 3,2 километр, чуқурлиги 600 метрни ташкил этади. Конни ўзлаштиришнинг V-навбати доирасида қўлланилаётган кон-геологик ва кон-техник ечимлар келажакда кон чуқурлигини 1000 метргача етказиш имконини беради. Шу билан бирга, қазиб олинаётган захиралар 50 йил давомида хомашё базасини таъминлаш учун етарли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2021 йилда Навоий кон-металлургия комбинати томонидан 2 та янги гидрометаллургия заводини фойдаланишга топшириш режалаштирилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Мазкур заводларни барпо этиш асослари давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилда тасдиқлаб берилган комбинатни 2026 йилгача ривожлантириш дастури билан белгилаб берилган эди. Ўтган тўрт йилда мазкур ҳужжатга мувофиқ 1,7 миллиард АҚШ доллар маблағ ўзлаштирилиб, 10 та иншоотни фойдаланишга топширишга эришилди. Бунинг натижасида комбинатда олтин ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоизга, кумуш ишлаб чиқариш ҳажми эса 45 фоизга ошди.

Корхона фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган истиқболли лойиҳалардан бири, бу – қиймати 247,6 миллион АҚШ доллар бўлган 7-гидрометаллургия заводидир. Ўтган йилда мазкур лойиҳанинг биринчи ва иккинчи босқичи доирасида маъданни қайта ишлашга ихтисослашган тўртта тегирмон блоки муддатидан олдин ишга туширилди. Завод қурилишида қўлланилаётган асосий технологик ускуналар чет элдан сотиб олинмасдан, комбинатнинг Навоий машинасозлик заводида ишлаб чиқарилиши эвазига 56 миллион долларга яқин маблағ тежалишига эришилди.

Ушбу заводнинг ажралиб турадиган устунлиги шундаки, заводда таркибида олтин кам бўлган, олдин ишланган ва захирага олинган маъданни энг мураккаб жараёнлар орқали, яъни, кислотали ишқорда яна қайта ишлаб, маҳсулот олинади. Қайта ишлаш жараёнида фақат маҳаллий кимё маҳсулотлари ишлатилади, бу эса маҳсулот таннархини янада арзонлаштиради. Ушбу завод тўла қувват билан ишга туширилгандан сўнг йилига 15 милилон тонна техноген чиқиндиларни қайта ишлаш ва 7,5 тонна қўшимча олтин ишлаб чиқариш имконини беради. Бундан ташқари, ушбу лойиҳа 4 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Навоий кон-металлургия комбинатининг истиқболи ҳақида сўз очилса, даставвал бугунги кунда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар тилга олинади. Чунки у ер ости қазилма бойликларининг янги захираларини қидириб топиш ва ўзлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. “Ауминзо-Амантой” олтин кони негизида 5-гидрометаллургия заводини барпо этиш шундай лойиҳалар сирасига киради. Маълумки, 2017 йилнинг март ойида Президентимиз рамзий тугмани босиб, бу муҳим лойиҳага старт берган эди. Ўтган вақт мобайнида “Ауминзо-Амантой” кони ва янги завод қурилишига сафарбар этилган жамоалар кенг кўламли ишларни бажариб келмоқда. Бунинг пировардида бугун Қизилқум саҳроси чинакам қурилиш майдонига айланган, бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Яқин кунларда заводнинг йилига 2 миллион тонна маъданни қайта ишлаш қувватига эга 1-тегирмон блокини муддатидан олдин фойдаланишга топшириш арафасидамиз.

5-гидрометаллургия заводининг алоҳида жиҳати шундаки, бу заводда дунёда ўхшаши бўлмаган мутлақо янги технология, яъни, кислородли-оҳакли оксидлаш асосида олтин ажратиб олиш технологияси қўлланилмоқда. Энг қувонарлиси, ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда тўлиқ замонавий автоматлаштирилган тизим йўлга қўйилиб, масофадан бошқарув тизими ўрнатилади. Корхона тўлиқ ишга туширилиши натижасида 3,5 минг янги иш ўрни яратилади ва ҳар йили 5 миллион тонна маъданни қайта ишлаш имкони пайдо бўлади. Ушбу кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишларида комбинатимизнинг 3,5 минг нафарга яқин матонатли қурувчилари фаол иштирок этаётганини фахр билан эътироф этиш лозим.

“2-гидрометаллургия заводининг қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш” лойиҳаси доирасида 2020 йилнинг март ойида муддатидан олдин 29-тегирмон блоки ишга туширилди. Мазкур заводда таркибида қимматбаҳо металл бўлган маъданни майдалашдан бошлаб, ундан тайёр маҳсулот ажратиб олиб, олий сифатли қуйма олтин ҳосил қилишгача бўлган технологик жараёнлар тўлиқ амалга оширилади. 29-тегирмон блоки билан ёнма-ён 30-тегирмон блоки ишга туширилди. Ушбу блокларнинг ишга туширилишидан кўзланган мақсад заводда маъданларни қайта ишлаш ҳажмини босқичма-босқич ошириб боришдир. Янги тегирмонлар ҳисобидан 2019 йилга қараганда 2,5 млн тоннадан ортиқроқ маъдан қайта ишланди. Сўнгги ускуна ва дастурий таъминотлар асосида яратилган автоматлаштирилган тизим эвазига завод мутахассислари асосий технологик параметрлар ҳисобланган маъдан, сув, электр қуввати, мой сарф-харажатлари ҳақидаги маълумотлар киритилган веб-саҳифадан эркин фойдаланиш имкониятига эгадирлар.

Мамлакатимизда аҳолининг инвестиция ва жамғариш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, қимматбаҳо металлар муомаласини ривожлантириш мақсадида, ўтган йилда Марказий банк томонидан ўлчовли оғирлиги 5, 10, 20 ва 50 грамм бўлган, 999,9 софликдаги олтиндан тайёрланган қуймалар тижорат банклари орқали сотувга чиқарилди. Шундай ўлчовли қуймалар Навоий кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқарилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикасида қимматбаҳо металлардан ўлчовли қуймалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда қимматбаҳо металлар бозори фаолиятини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, НКМК томонидан олтин ва кумушдан ўлчовли қуймалар ишлаб чиқариш бўйича замонавий юқори технологияларга асосланган мажмуани қуришга қаратилган, умумий қиймати 31 млрд сўмдан ортиқ бўлган инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Инвестиция лойиҳаси доирасида 2-гидрометаллургия заводининг тайёр маҳсулот цехи негизида ўлчовли қуймалар ишлаб чиқариш участкаси барпо этилди. Қурилиши Зарафшон қурилиш бошқармаси қурувчилари томонидан амалга оширилган мазкур мажмуага Италияда ишлаб чиқарилган замонавий технологик асбоб-ускуналар ўрнатилди.

“Ауминзо-Амантой” саноат майдонида янги барпо этилган ишчилар шаҳарчаси бунёдкорлик ишларининг ёрқин намунасидир. Бир ярим минг кишига мўлжалланган мазкур шаҳарча ва унинг ҳудудида замон талаблари асосида ошхона, 16 ўринга мўлжалланган муҳандис-техник ходимлар учун 4 та турар жой биноси, шунингдек, ишчилар учун барча қулайликларга эга 14 та ётоқхона, кундалик харид моллари дўкони, тиббиёт пункти, дорихона, ошхона, спорт мажмуаси, кичик футбол майдончаси, автотураргоҳ фойдаланишга топширилди.

Бир сўз билан айтганда, режа ва вазифа – аниқ, мақсад ва марра – улкан. 2021 йилда ҳам ишимиз қанчалик машаққатли бўлмасин, албатта, юксак ишончни фидокорона меҳнатимиз билан оқлашни изчил таъминлаймиз.

■ Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига

БИР ҒАЗАЛНИ ШАРҲИДА...

“Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач...”

Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.
Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,
Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?
Тийғ ила пайконларинг етти кўнгул бўлғоч хароб,
Сув қуюб тухм эктинг, ул кишварни вайрон айлагач.
Қон эмаским ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини,
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.
Ошкор айлаб юзин кўзумни ҳайрон айлади,
Ёшурун олди кўнгул кўзумни ҳайрон айлагач.
Жонға қўйғач нақди ишқинг қилди кўнглумни ҳалок,
Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.
Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,
Бас недурким, қон келур оғзингдин афғон айлагач?!

НАСРИЙ БАЁН:

1. Юзига анбардек ифорли зулфини ёйганда ҳусни янада ортади. Зотан, шам пилиги кўтарилгач, яна равшанроқ нур таратади.
2. Сен юзингни алвон гуллардан безаб бизни қурбон этдингми, ёки бизни қурбон қилганингдан кейин юзингга қонимиз сачрадими?
3. Кўнгил хароб бўлгач, тиғ билан ўқларинг етиб, гўё бу мамлакатни вайрон қилгандан сўнг сув қўйиб, экин эккандай бўлдинг.
4. Бу қон эмас, балки жаннат хазинабони ишқ йўлида шаҳид кетганни кафан ўрнига қизил рангдаги ҳарир кўйлак билан ўради.
5. Гулдай юзини кўрсатиб, кўзимни ҳайрон этди. Кўзимни ҳайратда қолдириб, кўнглимни пинҳона ўғирлади.
6. Жонимга ишқ гавҳарини қўйиб, кўнглимни ҳалок этдинг. Султон хазинасини пинҳон айлагач, маҳрамини ҳалок этади.
7. Эй Навоий, агар ишқ кўнглингни мажруҳ этмаган бўлса, нега фиғон тортганингда оғзингдан қон келади?!

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР:

Мазкур ғазал асосида халқимиз севиб тинглайдиган машҳур қўшиқ яратилган. Бу тарона Холхўжа Тўхтасинов басталаган куй асосида Саодат Қобулова, Муножот Йўлчиева каби хонандаларимиз томонидан ажойиб тарзда ижро этилган. Ғазал соддалиги, осон тушунилиши, Ҳазрат Навоийнинг ўз таъбири билан айтганда, туркона руҳи билан мафтун қилади. Дийдор лаззатидан ҳосил бўлган сатрлар руҳиятга ажиб фараҳ ва хушнудлик бағишлаб, тасвирлар гўзаллик ва яхшилик мушоҳадасидан завқу шавқ бахш этади.

Шамнинг пилиги кўтарилиб, ёйилганда яхшироқ нур таратгани каби, ёр ойдай юзи узра зулфини паришон айлаганда ҳусни янада ортади, дейилган матлаъда. Байтда гўзал шоирона ташбиҳ орқали чуқур фалсафий-ирфоний ҳикмат ҳам мужассам. Зулф – дунёга, юз – илоҳий нур мазҳарига ўхшатилиши ҳақида айтиб ўтгандик. Тасаввуфий шеърият аҳли орасида қуйидаги мазмундаги қудсий ҳадис ҳам жуда машҳур бўлган.

Аллоҳ буюради: Мен махфий бир хазина эдим, сўнгра ўзимни ошкор этиб танилишни истадим ва оламларни яратдим. Демак, юзда зулфни паришон қилиш – Аллоҳ ўз жамолини намоён этиш мақсадида бу оламни яратгани ҳақидаги ушбу ҳадис мазмунига ҳам ишора бўлиши мумкин. Бу дунёдаги барча гўзалликларнинг асл сарчашмаси – Мутлақ Жамол ва Мутлақ Жалол соҳибининг Ўзи ҳам гўзалликни хуш кўради. Ҳадиси шарифдаги “Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни яхши кўради” ҳукмига биноан, мумтоз шеъриятимизнинг қасру равоқлари ҳам гўзаллик ҳақидаги гўзал сўзлардан бино бўлган:

**Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.**

“Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, Фатҳ бин Али Мавсилий деган бир авлиё қурбон ҳайитида кўрдиким, халойиқ қурбонлиқ қиладур. Деди:

– Илоҳий, билурсенки, Сенинг учун қурбон қиладиган бирор нарсам йўқдир. Жонимни сенга қурбон қилайин, – деб, бармоғини бўғзига тортди ва йиқилди. Бошига келсалар, жон берганди ва бўғзида яшил хат кўринарди.

Иккинчи байтда қурбон сўзини икки марта келтириш орқали қурбон ҳайитидаги ҳолатга ишора қилинган. Ҳайит куни минглаб жонлиқлар қурбон келтирилади. Қассоб юзига сачраган қонларга парво қилмасдан, навбатдаги жонлиқни сўйишга чоғлангани каби, қизил юзли нигор ҳам ошиқларини навбатма-навбат қурбон айлашга тайёр. Ёрнинг дийдори ҳам қурбон ҳайитидек катта байрам. Фарқи шундаки, ошиқлар бунда жонлиқ эмас, ўз жонини қурбонликка келтиришади:

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,

Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Учинчи байтда итоатсиз ва исёнкор ўлкаларда фотиҳлар томонидан қўлланиладиган жазо – бузилган ўлкага сув қўйиб, ғалла экиш удуми тамсил сифатида келтирилади. Бу жазо энг бўйсунмас ва саркаш улусларга қўлланилганини ҳисобга олсак, ёрнинг ошиқ бошига солган бало аслида айни раҳмат эканлиги, яъни кибру ҳаво ва худбинликка мубтало бўлган ошуфта кўнглини вайронага айлантириб, ўрнига меҳр-шафқат ва муҳаббат уруғини эккани ойдинлашади:

**Тийғ ила пайконларинг етти кўнгул бўлғоч хароб,
Сув қуюб тухм эктинг, ул кишварни вайрон айлагач.**

Ислом таълимотига кўра, шаҳидлар ювилмасдан, кафанланмасдан, ўз кийимлари билан дафн этилади. Ҳадислардан берилган башоратларга кўра, уларга жаннат фаришталари қизил рангдаги ҳарир кўйлак кийдириб қўйишади. Ишқ йўлида ҳалок бўлган, яъниким муҳаббат туфайли гўёки бутунлай янги одам бўлиб қайта туғилган кишининг кўнгли ҳам жаннат ичра сайр қилиб юрган шаҳидларнинг ҳаловатини туяди:

**Қон эмаским ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини,
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.**

Бешинчи байтда ошкор ва ёшурун сўзларининг тазодидан фойдаланган ҳолда муҳаббат бутун вужудини қамраб олгани, зоҳир ҳам, ботин ҳам маҳбубанинг мулкига айлангани ҳақида сўз боради. Олтинчи байтни изоҳлаш учун “ганж” сўзига алоҳида изоҳ беришимизга тўғри келади. Ганжнинг луғавий маъноси хазина бўлса-да, аслида бошқалар кўзидан яширин ҳолда тоғда, дарахт ё девор остида кўмилган бойликка нисбатан қўлланилади. Бу бойликдан кундалик эҳтиёж учун эмас, балки энг зарур пайтда фойдаланилади. Шунингдек, мазкур хазинанинг жойини фақат бир киши – султоннинг ўзи билган. Хазинани яширишга кўмаклашган сирдош маҳрам ҳам ўлдирилган.

Ишқ гавҳари ошиқ жонида яширингандан кейин кўнгилнинг ҳалок этилиши ана шу удумга ишора қилинади. Маълум бўладики, муҳаббат гавҳари, яъни имон ва эътиқоднинг макони жонда экан, буни султоннинг ўзи, яъни бу гавҳарнинг асл эгаси – Аллоҳ таоло бизга инъом этган экан:

**Жонға қўйғач нақди ишқинг қилди кўнглумни ҳалок,
Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.**

Бу ганжни пинҳон тутиш, ёмон кўздан асраш ҳамиша ҳамманинг қўлидан ҳам келавермайди. Ишқ шундай дардки, пинҳон тутганинг сари ошкор этувчи нишоналари кўпаяверади. Айниқса, кўнгилни ўз мулкига айлантирган муҳаббат ўтли нолалар, қонли кўз ёшларга сабаб бўлади. Ҳатто, Навоий келтирганидек, фиғон чекканда оғиздан қон келиш ҳам шунчаки муболағали тасвир эмас, балки айни ҳақиқат бўлиб қолаверади. Буни ишқ дардидан бохабар одамлар жуда яхши билишади. Шу сабабдан бўлса керак, мазкур ғазал билан айтиладиган қўшиқ узоқ йиллардан бери ошиқлар кўнглига малҳам, севишганлар учун ёру ҳамдам бўлиб келмоқда:

**Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,
Бас недурким, қон келур оғзингдин афғон айлагач?!**

**Олим ДАВЛАТОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.**

**Дилрабо АБДУЛЛАЕВА,
3-гидрометаллургия заводининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича нозири.**

Буюк мутафаккир Алишер Навоий “Ота ва онанинг инсон ҳаётидаги беқиёс ўрнини бир-биридан кўп ё кам санамаганидек, уларга кўрсатиладиган эҳтиром ҳам тенг бўлмоғи лозим” деб ҳисоблайди. Зеро “Ҳайрат ул-аброр”да “Бошни фидо айла ато қошиға, Жисмни қил садқа ано бошиға” деб битик битса, “Назм ул-жавоҳир”да “Иста ато йўлида жон фидо қилмоқ, Қуллуқ аноға ҳам улча имкон қилмоқ” дея ифода этган.

АДАБИЁТ ГУЛШАНИНИНГ БЕТИМСОЛ ГАВҲАРЛАРИ

Яна “Ҳайрат ул-аброр”да ўқиймиз: “Бу иккисининг хизматини бир бил, Ҳар неча ифрот эса, тақсир бил”. Алишер Навоий бир ўринда ота розилигини Аллоҳ розилигига тенглаштирса, иккинчи бир ўринда она сиймосини беҳад улуғлаб, “Ано ўрнин ато тутмас ўғилға, …Ки имкон йўқтурур бўлмоқ аносиз” деб ёзади.

Сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий “Муншаот”да шарқ донишмандлари сўзларига асосланиб, отанинг хатосини ҳам савобга тенглаштирса, “Садди Искандарий”да она даргоҳида тупроқ бўлишликни ҳар қандай мартабадан устун қўяди. Шоир яна “Тун кунинға айлагали нурпош, бирисин ой англа, бирисин қуёш”, дейдики, бу уларнинг бири қуёш бўлиб, иккинчиси ой бўлиб умримизни ҳам, қалбимизни ҳам пурзиё этмакларига ишорадир.

Шимолий кон бошқармаси 3-гидрометаллургия заводида Низомиддин Мир Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёт ва ижодига бағишлаб “Буюк икки даҳога таъзимдамиз!” деб номланган адабий-бадиий кеча ўтказилди. Маърифат кечасида заводимизнинг истеъдодли ёшлари – фильтирлаш, қуритиш ва куйдириш цехи бошқарув пульти оператори Темур Қосимов ва сорбция, регенерация ва тайёр маҳсулот цехи КЕМІХ бўлими бошқарув пульти оператори Зарина Сафаевалар томонидан Алишер Навоий ва Бобур ғазаллари, Алишер ва Гули монологи маромига етказиб ўқилди. Ундан завод марказий лабораторияси технологик тадқиқотлар гуруҳи кимёвий таҳлил лаборанти Наргиза Бобоқулова, маъмурий-хўжалик қисми компьютер оператори Нафиса Садикова, ички майдон муҳандислик тармоқлари участкаси таъмирловчи-чилангари Суҳроб Мардоновлар томонидан ўқилган ғазаллар ҳам мароқ билан тингланди.

БАРКАМОЛИККА ДАЪВАТ НАМУНАСИ

**Мирзоҳид ЖАМАЛОВ,
“Шарқий” очиқ усулда қазиб олиш кони маънавият ва маърифат нозири.**

Мумтоз адабиётимизнинг буюк намояндаси Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги Шимолий кон бошқармаси “Шарқий” очиқ усулда қазиб олиш конида кенг нишонланди.

Алишер Навоий асарларида бунёдкорлик, ободлик, комилликка интилиш, илму маърифат мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигининг асоси сифатида тарғиб этилади. Шу боисдан тадбирда Алишер Навоийнинг бетакрор ғазалу достонлари, рубоийларида юксак фазилатлар, эзгу ғоялар чуқур тараннум этилгани ҳақида сўз юритилди.

1-бурғилаш ишлари участкаси бошлиғи Насим Каримов Алишер Навоий ғазал ва рубоийларидан парчалар ўқиди. 12-гидроюритмали кон машиналарини таъмирлаш ва монтаж қилиш участкасининг ускуналарни таъмирлаш бўйича навбатчи чилангари Сардор Эргашов ижро этган улуғ бобомиз ғазалига битилган қўшиқ иштирокчиларга хуш кайфият улашди. Коннинг “Кўкпатас-1” кон фойдаланиш участкаси экскаватор машинисти, “Шуҳрат” медали соҳиби Умар Махаматов томонидан ифодали ўқилган ғазал ҳам барчани руҳлантириб юборди. Тадбир қатнашчиларининг чиқишларида буюк бобокалонимиз нафақат туркий халқлар, балки жаҳон адабиётининг ҳам ёрқин сиймоларидан бири эканлиги, шоир ижодида илгари сурилган, инсонларни маънавий баркамоликка даъват этувчи ғояларни ёшларимиз онгига сингдириш зарурлиги таъкидланди.

■ 2021 йил – “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

кўплаб ёшларнинг бандлигини таъминлаш имконини берди

Навоий ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ҳарбий хизматчилар, эҳтиёжманд оилаларни, уюшмаган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳарбий қисм ва муассасалардаги бўш иш ўринларига жойлаштириш орқали жамиятда ўз ўрнини топишларида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоят Миллий гвардия бошқармаси биносида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Тадбирда 50 нафар ишсиз ва уюшмаган ёшларга вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси, унинг туман ва шаҳар бўлимларида ҳамда вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармасида мавжуд бўш иш ўринларига жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Шу жойнинг ўзида уларнинг 44 нафари билан меҳнат шартномаси имзоланишига эришилди.

Шунингдек, ҳарбий прокуратура ва вилоят Миллий гвардия бошқармаси ҳамкорлигидаги амалий тадбирлар натижасида вилоят Қўриқлаш бошқармаси таркибидаги ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизматида 50 та янги иш ўринлари яратилди. Таъкидлаш жоиз, қўриқлаш хизматига номзодларни ишга қабул қилиш суҳбат ва жисмоний тайёргарлик синов босқичларини ўз ичига олган танлов асосида амалга оширилади. Аҳамиятлиси, 100 нафарга яқин уюшмаган ёшларга касбий танловда иштирок этиш учун йўлланмалар берилиб, тадбирга танлов ҳайъати таркиби ҳам таклиф этилди ва хизматга кириш истагидаги ҳар бир номзод билан ўтказилган танловнинг суҳбат босқичидан 40 нафар ёшлар муваффақиятли ўтишди. Яқин кунларда уларнинг жисмоний тайёргарлик синовини яхши баҳоларга топширганлари хизматга қабул қилиниши эса қувонарли ҳол, албатта.

Мазкур тадбирлар билан бир вақтда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг муаммоларини ҳал қилишга яқиндан кўмаклашиш мақсадида сайёр қабул ҳам ташкиллаштирилди. Унда ҳарбий хизматчилар ва ишчи-хизматчиларнинг имконияти чекланган фарзандларини даволаш, соғлиғини мустаҳкамлаш, дори-дармон, махсус тиббиёт воситалари билан таъминлашда кўмаклашиш борасидаги мурожаатлари вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда ҳал қилинмоқда.

Бундан ташқари, ёшлар ҳарбийларга яратилаётган шароитлар билан таништирилиб, ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар, ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Бундан руҳланган, шартнома асосида ҳарбий хизматга кириш истагини билдирган 95 нафар ёшларга Мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ўтказиладиган ҳарбий касбий танловда иштирок этиш учун йўлланмалар берилди. Келгусида танловдан муваффақиятли ўтган ёшлар шартнома асосидаги ҳарбий хизматга қабул қилинадилар.

Ёшлар бандлигини таъминлашга дахлдор ҳамкорликдаги бундай тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Шерзод УНГАРОВ,
Навоий ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси адлия катта лейтенанти.

После годового перерыва, в связи с карантинными условиями из-за пандемии коронавируса, снова ожил Дворец культуры «Фархад», распахнувший двери для всех творческих коллективов и зрителей.

СНОВА ВМЕСТЕ

С момента начала работы ДК на сцене большого зала прошло духовно-просветительское мероприятие, посвященное 580-летию со дня рождения великого поэта и писателя Алишера Навои. А 16-17 февраля выступили с концертом под названием «Снова вместе» хореографические ансамбли «Ширин», «Счастливое детство», «Соната», «Фарход», «Flash Dance», вокалисты Шерзод Давронов, Тимси, Серижан Жанахметов, Самандар Хамидов, Махбуба Мардонова, Бунёд Хасанов и многие другие артисты Дворца культуры «Фархад».

И зрители, и фархадовцы безумно соскучились по веселым, зажигательным, душевным, эмоциональным творческим вечерам, которые приносят с собой радость, моральное и физическое расслабление, надежду, уверенность в здоровом завтрашнем дне. Поэтому те, кто были на концертах в эти дни, получили заряд бодрости и энергии и вдохнули полной грудью от того, что жизнь налаживается, что все приходит в обычный строй…

– Удивительный вечер! Потрясающая концертная программа! Я окунулась в атмосферу праздника, восхитительно! – поделилась впечатлениями гостья концерта Э.Гумирова. – Отдельное спасибо С.Жанахметову за любимый итальянский хит «Сюзанна» (А.Челентано).

– Как всегда неотразим, молод и задорен народный фольклорно-этнографический ансамбль «Сардоба» и их руководитель А.Абдумуродов, – присоединяется зритель А.Вохидов. – Большая благодарность сардобийцам за сохранение народной культуры и обычаев!

– О, как дорог моему сердцу народный и образцовый хореографический ансамбль «Счастливое детство», – рассказывает С.Салиева. – Заметно подросли ребята, особенно девчонки. Но как же отточенно, профессионально и чётко они танцуют, не оторвать глаз!

Карантинные меры до конца ещё не сняты, зрители в концертном зале были в масках, сидели через одно кресло друг от друга, но это не мешало им подпевать и пританцовывать.

– Финальная песня, закрывающая концерт, начиналась со слов «Раскрыты двери для друзей, прохладой ласковой маня», и я говорю, мы открыты, наконец, мы снова творим, и можем плоды своих работ демонстрировать всем желающим, – комментирует директор ДК «Фархад» Шавкат Тухтаев. – Уже не в онлайн пространстве, как это было в пандемию, а воочию, тет-а-тет.

Особую благодарность коллектив ДК «Фархад» выражает за постоянную поддержку руководству и СП НГМК.

Ситора АСАНОВА.
Фото Виктора ЯКОВЛЕВА.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази мажлислар залида марказ ходимлари ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати маъмурияти вакилларининг, Навоий шаҳридаги 2-умумтаълим мактабининг бир гуруҳ юқори синф ўқувчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда ёшлар ёнғин қутқарув қисми хизматчилари учун яратилган шарт-шароитлар билан таништирилдилар. Шунингдек, тадбирда кўргазмали машғулотлар ҳам ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлаш, Ватанга содиқ фарзандлар бўлишига катта эътибор берилаётганлиги, улар эса буюк бобокалонларининг муносиб ворислари бўлиши, яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланишлари зарурлиги таъкидланди.

Маълумки, Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида, муҳтарам Юртбошимизнинг 2021 йил 12 январда имзолаган Фармони билан бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. Улар орасида “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасида Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази тасарруфидаги Марказий кон бошқармаси (Зарафшон) объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими 16- ёнғин-қутқарув қисми инструктор-қутқарувчиси, оддий аскар Азиз Найимов ҳам бор. У “Содиқ хизматлари учун” медали билан мукофотланди. Тадбирда оддий аскар А.Найимов касбидан бахт топаётганлиги , хизматлари юксак даражада эътироф этилгани ва бу уни янада яхшироқ ишлашга руҳлантирилаётганлигини фахрланиб гапирди. Учрашувда давлат мукофотига сазовор бўлган аскар шаънига илиқ сўзлар билдирилди. Тадбирда қатнашган қатор ёшлар суҳбат жараёнида А.Найимов сингари юртига садоқат билан хизмат қилиш нияти туғилганлигини изҳор этишди. Учрашув сўнгида Азиз Найимовга Навоий кон-металлургия комбинати маъмуриятининг қимматбаҳо совғаси топширилди.

Алижон НАВРЎЗОВ,
“НКМК” ДК ЁХТТЭ маркази бошлиғи ўринбосари, подполковник.

■ Слова благодарности

Выражаем сердечную благодарность генеральному директору НГМК Санакулову Кувандику Санакуловичу за инициирование и финансирование, и авторам в издании книги «Уйгок хотиралар», посвященной узбекистанцам участникам Второй мировой войны. Войны в которой приняли участие народы всех республик страны.

ПОМНИМ И ГОРДИМСЯ!

Эта книга является напоминанием того, кто и какой ценой освободил человечество от фашизма. Война коснулась практически каждой семьи. Около 2 млн узбекистанцев приняли участие в разгроме врага. Из них каждый третий геройски погиб на полях сражений.

На примере участников войны в потомках должны воспитываться патриотизм, любовь и преданность Родине.

Поэтому данная книга является благодарной памятью для нынешнего и будущих поколений, которая несёт в себе историческую правду об освобождении человечества от коричневой чумы, а также огромную воспитательную роль. Хотелось, чтобы для большего охвата читателей, по мере возможности книгу включили в электронную библиотеку НГМК и как свободную тему в программу обучения в ВУЗах и в школах Навоийской и Бухарской областей.

Мы и наши будущие поколения всегда будут помнить и гордиться героическими подвигами наших отцов, дедов и прадедов.

Семья АВЛИЯКУЛОВЫХ.

■ Орамиздаги одамлар

Нафосат ЗИЁЕВА.

Марказий кон бошқармасига қарашли Уй-жой коммунал бошқармаси ишчи-хизматчилари Зарафшон шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг электр таъминотини назорат қилиш, ижтимоий масканларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш билан бир қаторда иссиқхона ва товуқхонада ҳам хизмат қилишади.

ҚИШДА БАҲОР НАФАСИ

Яқинда ана шу йўналишдаги ишлар билан танишиш мақсадида бошқармага қарашли иссиқхонада бўлдик. Соҳа масъуллари бизни Зарафшон шаҳридан чиқаверишда жойлашган бир ярим сотихли майдонни ўз ичига олган иссиқхона томон бошлашди. Қиш кунларида баҳор нафасини туйгингиз келса, иссиқхонага боринг экан. Иссиқхонага кирар экансиз, у ердаги манзара беихтиёр кишини гўзаллик оламига етаклаши табиий. Қишлик виола, гарсания гуллари, бананза, петуния, хуллас ўндан ортиқ навли, бир-биридан чиройли гуллар, салобат тўкиб турган пальма дарахти кайфиятимизни кўтариши баробарида руҳимизга ажиб бир ҳисни бахш этди. “Йилнинг тўрт фаслида ҳам бу ердан гўзаллик аримайди”, – дея бизни кутиб олди юз-кўзидан ҳалол ва меҳнаткаш одамлиги сезилиб турган иссиқхона агрономи. Гулзорларни кўздан кечирар эканмиз, ёқимли ифор таратиб турган гўзал гул кўчатлари авж олиб ўсаётганининг гувоҳи бўлдик. Шаҳримиз кўчаларининг шундай гуллар билан бурканиши учун ўзининг бор меҳрини бериб ишлаётган опаларимизга гулчилик борасида катта тажрибага эга Шарифа опа Хидирова бошчилик қилиб, касб сирларини ўргатиб келмоқда. Опа ҳар бир гулга таъриф бериб, янги очилган гул инсонларнинг яшашга ишончи, ҳаётга умидини оширишини таъкидлади. Гулчи опалар билан суҳбатлашар эканмиз, иш ерга ишлов бериш, керакли озуқалар билан тўйинтиришдан бошланиши, куз ва қишда ерни экинга тайёрлаб, ноябрь ойида гул уруғлари ташланиши, эрта баҳорда кўчатлар шаҳримиз кўчалари бўйлаб экиб чиқилиши, айни дамда ташқи таъсирга чидамли гуллар кўпроқ етиштирилаётганини билиб олдик. Гулни ҳам, таъбир жоиз бўлса, тарбиялаш зарур экан. Шу боис қуёшли ерда тоблаб, ҳар қандай табиат шароитига чидамли бўлиб ўсишга ўргатаётган гулчилар бу гулларни қаерга кўчириб ўтқазса ҳам авж олиб, инсон баҳри дилини очиб, кўчаларга чирой бағишлашини айтишди.

Иссиқхонанинг иккинчи бўлимида бўйи икки метрга етган, ҳосили кўплигидан танаси оғирлашиб бораётган помидор ниҳоллари айни пишган вақт. Албатта, ҳосилнинг мўл-кўллиги деҳқоннинг тажрибасига, вақтида кўрсатилган парваришга боғлиқ. Кўчат ўстириш, иссиқхонада полиз маҳсулотларини етиштириш бўйича 25 йиллик тажрибага эга агроном Фарҳод ака Эргашев бунинг ҳаддисини олган инсон. У октябрь ойида экилган 15 минг туп помидор кўчатларини кун ора “хомток” қилиб туриш, акс ҳолда бўйига эмас, энига ўсишини хисобга олиб, белгиланган чизиққа етганда баргини юлиб ташлашни тўхтатишни доимо назорат қилиб боради. Суяги меҳнатда қотган Фарҳод ака асло тиниб-тинчимайди, ишчилар билан ёнма-ён меҳнат қилади. Ер билан тиллашган, унга меҳр берган киши борки, ўз олдига қўйган мақсадига эришади.

Хорижлик ишбилармонлардан “Сизнинг ерингиз жаннатмакон, у сеҳрли бир кучга эга, тупроғингиз олтинга тенг”, – деган фикрларни эшитамиз. Юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар борки дастлабки таассуротларини ширинлиги тилни ёрар даражадаги мазали меваларимиз ва хушхўр, тоза сабзавотларимизни эътироф этишдан бошлашади. Ҳа, аслида ҳам шундай. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, соҳага янги технологияларни қўллаш орқали харажатларни камайтириш ва ҳосилдорликни ошириш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Марказий кон бошқармасига қарашли мазкур иссиқхона ҳам барча стандартларга тўлиқ жавоб беради. Изроил технологияси асосида деярли барча жараёнлар автоматлаштирилган тизим орқали ишлайди. Тоза, ёруғ ва мўъжаз жойда ҳаво намлигини тартибга солувчи туманлатгич ускунаси ишга тушса, гўё кўкдан майин ёмғир ёғаётгандек бўлади. Бу ерда шамоллатиш тизими, совутишга мўлжалланган компрессорлар, ҳаво ҳарорати, намлик ва иссиқликни ўлчайдиган асбоблар, мўтадиллаштирадиган радиаторлардан фойдаланилаяпти. Иссиқхонадаги ҳарорат, ўсимликнинг сув ва озуқага талаби компьютер технологиялари орқали чуқур таҳлил қилиб борилади ва тўпланган хулосалар асосида миқдор ҳамда меъёр тажрибали агроном томонидан белгиланади. Иссиқхонада етиштирилаётган 14 тонна помидор, 32 тонна бодринг, 1,5 тонна кўкат, 4,5 тонна лимон маҳсулотлари Овқатланиш комбинатига етказилиб берилади. Марказий кон бошқармаси тизимида фаолият юритаётган ишчи-ходимларни сифатли полиз маҳсулотлари билан таъминлаётган иссиқхона ишчилари кундалик ишларини кўнгилларида ажиб бир ғурур билан бажаришади. Уларнинг фидокорона меҳнатлари мақтов ва таҳсинга арзигуликдир.

■ Маънавият: “Энг яхши китобхон” онлайн танлови

МУТОЛАА ҚАЛБНИНГ ШИФОКОРИ

Инсониятнинг ривожланиш тарихига назар солсак, сон-саноқсиз кашфиётлар қилингани, космик кемалардан тортиб, информацион технологиялар ёрдамида катта тизимлар бошқарувини амалга ошираётганларигача гувоҳ бўламиз.

Бундай оламшумул кашфиётларга эришиш учун албатта бошланғич билимларни жамлаб бориш зарур бўлганлиги ҳам сир эмас. Маълумотлар базасини яратиш биринчи галдаги масала бўлиб унинг классик кўриниши бу китоблар ва кутубхона кўринишида бир неча асрлар давомида шаклланиб келган.

Маълумотларни китоб кўринишида тўплаш – масаланинг бир томони деб ҳисобласак, унинг иккинчи томони – китобнинг бизга берадиган эстетик завқи ҳақида тўхталиб ўтмасдан илож йўқ. Бадиий асарлар инсон маънавиятининг озуқаси ҳисобланади. Китоб ўқиш бу беминнат тарбия, сирли оламларга саёҳат, ўзингизнинг режиссёрлигингиз остида спектакл томоша қилиш, шеърият уммонида сузиш, инсонлар қалбига назар ёки болаликка қайтишдек ширин ҳисларни туҳфа этувчи амалиётдир.

2020 йилда НКМК ёшлари етакчилари Кенгаши томонидан уюштирилган “Энг яхши китобхон” кўрик танловида ёшга нисбатан қўйилган талаблар туфайли қатнаша олмаган бўлсамда, баъзи турларда эълон қилинган китобларни ўқиб бордим. Лекин бу машғулот учун кетказган вақтимга ҳеч афсусланмадим. Чунки ўзимда китоб ўқишга доим катта рағбат ҳис қиламан. Бу йилги мавсумда ёшга нисбатан талаблар ўзгарганлиги, танловда иштирок эта олишим мени жуда хурсанд қилди. Мана эндигина 3-тур давом этаётган бир палладаёқ ютуққа эришдим, шахсий китоб жавоним яна 3 та китобга бойиди.

Бугунги кунда бутун комбинат бўлинмаларида жами 562 минг 419 дона китоблар базаси мавжуд бўлиб, шундан 151 мингдан ортиқ электрон кўринишга келтирилиб, комбинатнинг электрон кутубхонасига жойлаштирилган. Мана шундай катта имконият, жуда катта ҳажмдаги кутубхона фондидан беминнат фойдаланиш, сизу бизда, ҳар биримизда бор. Бундан фақат қувонмоқ керак!

Ҳозирча баъзи сабабларга кўра танловда иштирок этолмаётган тенгқурларимга, укалар ва сингилларимга айтмоқчиманки, ҳали ҳам кеч эмас, танловда фаол қатнашинг. Ишонинг, бундан фақатгина ютасиз. Мутолаа завқини бирга туяйлик. Кейинги турда қайси китоб эълон қилинаркин, дея илҳақ кутишдек завқли онларни бирга кечирайлик.

“Энг яхши китобхон” танловидан илҳомланиб, кўнглимга келганларини икки энлик сатрларда ифодалаган бўлиб, уни сиз азизларга илиндим...

КИТОБНИ СЕВ!

Олам кўрайин десанг,
Олим бўлайин десанг,
Одам бўлайин десанг,
Аввало китобни сев!

Бешикдан тобут томон,
Илми толиб бўл ҳамон,
Билимсизлик кўп ёмон,
Аввало китобни сев!

Дилда гардинг бўлмайди,
Орзуларинг ўлмайди,
Элдан каминг бўлмайди,
Аввало китобни сев!

Айтар сўзларим шу тоб -,
Кўпроқ ўқигин китоб,
Такрор айлайин хитоб,
Аввало китобни сев!

Билимдадир ҳаловат,
Орзуингга – ижобат,
Ҳатто қилсанг тижорат,
Аввало китобни сев!

Балки бўларсан кончи,
Ё енгилмас курашчи,
Ёки уста – бўёқчи,
Аввало китобни сев!

Китобни сев то абад,
Қўлдан қўйма умрбод,
Кўнглинг бўлади обод,
Аввало китобни сев!

Меҳр билан варақлаб,
Доим турсин ярақлаб,
Яқин дўстдай ардоқлаб,
Аввало китобни сев!

Ошно бўлиб китобга,
Етгайдирсан муродга,
Қарам бўлмай бировга,
Аввало китобни сев!

Тўғри йўлдан тоймайсан,
Бошинг қуйи солмайсан,
Афсусланиб қолмайсан,
Аввало китобни сев!

Элёр ҲАСАНОВ,
ЖКБ 4-ГМЗ фавқулодда вазиятлар муҳандиси.

■ Буни билиш керак

Ҳозирги кунда фуқароларимизнинг қонуний манфаатларини, фаровон турмуш кечириши ва хавфсизлигини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор вазифаларидан биридир.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Президентимизнинг 2019 йил 10 апрелда “Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифатли янгича тизимини тадбиқ этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши фикримизнинг яққол ифодасидир. Ушбу Фармонда аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш, ёнғинларга қарши курашиш комплекс тизимини шакллантириш устувор вазифа сифатида белгилаб берилди.

Саноат корхоналари асосан бир қаватли ишлаб чиқариш иншоотларига жойлаштирилган бўлиб, уларда кўприкли ва бошқа кўтариш кранлари ҳамда осма транспортёр тармоқлари мавжуд. Бу иншоотларнинг деворлари ёнмайдиган, бинолари темирли, енгиллаштирилган панелли плиталардан қурилади. Мисол учун, машинасозлик корхоналарининг механик ва йиғув цехлари жуда кўп турли хил станок, ускуна жиҳозлари, конвейер автомат, машина ва бўёқ камералари билан жиҳозланган. Деталь ва двигателларнинг синов стендларида, ишқалаб ишлов бериш жараёнларида, пресслаш ускуналарида, темирга ишлов бериш цехларида, консервация участкаларида ёнувчи суюқликлар ишлатилади. Бундай участкаларда ёнғин содир бўлганда қисқа фурсат орасида тилсиз ёв катта майдонни эгаллайди.

Омборларда турли хил материалларнинг сақланиши оловнинг тез тарқалишига, ҳароратнинг кўтарилишига ва тутун билан заҳарли моддаларнинг ажралиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Ёнғиннинг ривожланиши учун ҳаво етарли бўлганлиги сабабли ёнғин стеллажлар орқали тезлик билан юқори томонга қараб ҳаракатланади, бино том қисмини қиздира бошлайди ва ўпирилиш хавфини туғдиради. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш корхоналарининг ёнувчи томли цехларида, баланд стеллажли омборларида ёнғинларни ўчиришни ташкил қилишда ҳамда керакли куч ва воситаларни тез йиғиш мақсадида бу корхоналар автоматик юқори рақамли чақириқ корхоналари рўйхатига киритилади.

Ёнғинни ўчириш гуруҳи етиб келган вақтда биринчи навбатда ёнғин содир бўлган жойда одам бор ёки йўқлигини, ёнғин содир бўлган жойда мавжуд бўлган модда ва материаллар тури ҳамда миқдори, юқори кучланиш остидаги электр қурилмаларининг жойлашган жойи ва уларнинг электр тармоғидан узилганлигини тўла аниқлаши лозим. Ёнғин бино ҳажмини тез тутун билан тўлдиради, шунинг учун биринчи ўт ўчирувчилар ёнғинга ўчириш воситаларини киритиш билан бир вақтнинг ўзида дераза ва ёруғлик фонарлари орқали тутунни чиқариб юбориш чораларини кўриши талаб этилади.

Йиғув цехларида ёнғин содир бўлганда, биринчи навбатда, конвейер ишини тўхтатиш, шамоллатиш ва электр таъминоти тизимини ўчириш, маҳсулотларни ҳимоя қилиш учун сув ҳамда кўпик дастакларини бериш керак. Хавф остида қолган техника ва агрегатлар эвакуация қилинади. Эвакуация ишларини амалга оширишга корхонанинг ишчи ва хизматчилари ҳам жалб қилинади. Ёнғинни ўчириш жараёнида, биринчи навбатда, турғун (стационар) ёнғин ўчириш тизимлари ишга туширилади. Ёнғин ривожланиб, ёқилғи қуйиш участкаларига етиб бормаслигининг чоралари кўрилади. Ёнғинни ўчириш жараёнида асосий масалалардан бири бу моддий бойликларнинг эвакуацияси ва уларни ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Юқорида билдириб ўтилган фикрлар ва тавфсияларга амал қилиш ҳозирги куннинг нақадар долзарб масаласи эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек “... Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, “Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачиғидек асранг” деган шиор одамларимиз қалбидан чуқур жой олиши керак...” тамойили асосида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳар бир давлат хизматчиси ва фуқароларимизнинг муқаддас вазифасидир.

Баҳриддин БАҲРОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси курсанти.

Муҳаррир: Низомиддин САДРИДДИНОВ

Техник-муҳаррир: Дилшод СУВОНОВ

Навбатчи: Насиба ШАМУРАТОВА

МУАССИС:
«Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонаси

Телефонлар:
Муҳаррир: 79 227-74-64.
Факс: 79 227-75-66.

Газета Навоий вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2015 йил 29 июнда 07-070- рақам билан қайта давлат рўйхатига олинган.

Таҳририят манзили:
210100.
Навоий шаҳри,
Навоий кўчаси, 27-уй,
НКМК бошқармаси.

ISSN 2010-5266

Газета ҳар ойда икки марта чоп этилади ва Навоий кон-металлургия комбинати бўлинмаларига тарқатилади. Баҳоси келишилган ҳолда.

Газета НКМК “Кончилар ҳаёти” газетаси таҳририятида терилди ва саҳифаланди. “Noshir Lux” масъулияти чекланган жамиятида офсет усулида босилди. Нашр сифати бўйича (91) 557-10-95 рақамли телефонга мурожаат этишингиз мумкин.
Босмахона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Қоғоз бичими А-3. 12700 нусхада чоп этилди. Буюртма № .
2021 йил 26 февраль 15:00 да чоп этишга топширилди.